

Шукрулло,
Ўзбекистон халқ шоири



Соғлом дегани бу гуноҳи азим,
Харом-харилардан ўз нафсин тиймоқ,
Сени соғлом инсон, хожи дехр ким,
Етимлар ҳақидан бўлсанг ҳаж қилмоқ!

«Бу жуда соғ одам, бу соғлом одам»,
Борми, бундан ортиқ унвони олий,
Қандай ёрқин бўлса ёниб турган шам,
Соғлом қалб ҳам бўлар губордан холи.

Афсус, баъзилар бор тан-жони соғу
Фикри ёмонлиги чирқдан иборат.
Холис ниҳт билан нафас оласиз у,
Қандай соғлом дейсан, бундайларни айт!

СОҒЛОМ ОДАМ

Тўрт улафат жам бўлса, дунё ташоиши,
Нарху наволардан бошланади баҳс.
Хар бири маъқуллар ўз қилган ишин,
Баъзан қонуи қолиб қолиб чиқар нафс.

Элак тугиб бўлмас кўннинг оғзига,
Кудуққа дард айтиши фурсати эмас,
Мен ҳам бу улафатга кирсам баъзида,
Келамай қоламан кўнчиликка бас!

Бузуи гап очилиб соғлом авлоддан
Майносин чақмоқчи бўлди талашиб.
Бири баҳса килса тойгунча ҳоддан,
Бири бири билан қолар ярашиб.

Соғлиқ-саломатлик бўлмайди ўзи,
Пул ҳам, емоқ-ичмоқ, керак машаит.
Улафатлардан бири бўлди сўзини —
Фақат соғ бўлшимас, соғлом бўлиш шарт.

Бири бундай гапни мастликка йўйди,
Бири елка қисиб қаради хайрон.
Хуллас бири олиб, бириси қўйди,
Ҳамма ўз билангина айлади баён.

Қандай тунгунтирсам, тани-жони соғ,
Фикри ёмонликдан бўлса иборат.
Ҳеч кимга яхшилик қилмасан бироқ,
Қандай соғлом дейлик бу одамни, айт!

Соғлом дейишинг ҳам ўз мезони бор,
Ақду адолатдан холимас олам.
Оқи қора деса, сахрони гулзор,
Ҳеч ким бу одамни демайди соғлом.

Агар бўлса ҳамки тўрт мучаси соғ,
Қилгудек бўлса ҳам тоғларни талқон.
Бундайларни соғлом дейилмас муллақ,
Кўксини қилмасан Ватанга қалқон.

Одамлар Ватан деб жонин берганда,
Удамлар миллат деб бўлганда қурбон.
Ўз нафсин қурбони эй, шўрлик банда,
Наҳот, аташ мумкин, номингни инсон?

Ахир, биз, эртаси буюк давлатнинг,
Аса соҳиблари, улуғ Ўзбекмиз!
Оламага маорифат берган миллатнинг,
Қадами ҳар ерда қутлуғ Ўзбекмиз!

Қасри олийлар сол олтиндек ҳатто,
Топганини ўзинга буворсин минг бор.
Аждодинг кимлигин билмасанг аммо,
Сени соғлом одам дейилмас зинҳор!

Нопок йўллар билан орттириб давлат,
Маст-аласт кун қўрсанг
Фақат ичиб-еб,
Билмасанг не дардда яшайди миллат,
Сени ким айтади соғлом одам деб?


МАЙДОН
АҲОРАТ
АТОНАТ

УШУ БЎЙИЧА
БИРИНЧИ
ЧЕМПИОНЛАР

Тошкентда Шарқ яқка кураши — ушу бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати якунланди. Бугунги кунда республика-мизда бу спорт турининг мухлислари кўпаймоқда. Ушу бўйича ўтказилган чемпионатда 100 нафар бола ва 150 нафар катта ёшдаги спортчи чемпионлик номини қўлга киритиш учун мусобақалашди. — Ушу, Шарқ яқка курашининг бошқа турлари га нисбатан киши маънавиятини шакллантиришга ёрдам беради, — деб ҳисоблайди республика Ушу федерациясининг бош котиби Наталья Глазкова. — Ушунинг бу қадар тез оммавийлашу-вининг сабаби, машқла-рининг хилма-хиллиги, бу спорт тури билан турли ёшдаги одамлар уйда, залда, тоза ҳавода шуғу-ланиши мумкинлигида-дир. Чемпионатда болалар ва катталарнинг бир гу-руҳи голиб, деб топилди. Уларнинг тайёргарлик да-ражаси юқори бўлганли-ги, айрим вазн тоифала-рида бир хил балл тўп-ланганлиги сабабли, иккитадан ва учтадан спортчилар олтин медал-ларга сазовор бўлди. Ушу бўйича чемпио-натнинг дастлабки голиблари — Ворис Тур-диев, Алексей Лотухов, Валерия Леташина, Хасан Норқулов, Рустам Сиддиков, Гани Саидхў-жа, Нугзор Хайдаров, Алексей Юдин, Георгий Аветисян, Светлана Хасаншина, Нина Идич-ёва, Глеб Қаюмов, Беҳ-зод Аҳмедов, Ботир Бой-муродов, Алексей Федо-сеев, Николай Имангу-лов, Олим Курбонов ва Роза Московскаялардир. (ЎЗА)

«ҚАЙНОНАМДАН ҚОЛГАН
ТОШОЙНА ҚАНИ?»

Нихоясига етган IV тур-да пойтахтликлар Қар-шида «Насаф» меҳмони бўлишди. Ҳеч муболағасиз ай-тиш мумкинки, ўша кун мез-онлар галаба қозонган бўлса-да (1:0), омад улардан юз ўғирди. Чунки Зафар Холму-родов, Рузқул Бердиев, Ба-ходир Аннаматовларнинг ҳар бири камиди уч-тўрттадан тўп киритиш имкониятига эга бўлдилар. Бирок... Учрашу тақдирини ҳал қилган ягона тўпни 53-дақи-қада Рузқул Бердиев 11 метрик жарима тўпидан кир-ритди. 3. Холмуродовнинг навбатдаги олға юришини «Пахтакор»чи Абзал Азизов ўйин қоидасини бузиш билан тўхтаб қолганидан сўнг уч-рашу ҳақими Ноил Лутфулин (Бухоро) мазкур жаримани белгилашга мажбур бўлганди. Ушбу турнинг марказий уч-рашуви, шубҳасиз, Фаргона-да «Нефтичи» ва «Дўстлик» ўртасида кечди. Ўтган йилги чемпион ва вице-чемпион уч-рашуви ҳақиқатда ўта муро-сасиз бахслар остида ўтди. Ҳисобни биринчи бўлим-нинг 44-дақиқасида меҳмон-лар очиди. Ж.Ирисметов-нинг зарбасини дарвозабон Г. Забиров қайтаришга охи-рлик қилди. Иккинчи бўлим-нинг 15 дақиқасида эса бош ҳақам Бобур Хайдаров «Дўстлик» дарвозаси томон 11 метрик жарима тўпини белгилади. Фарғоналиклар ҳужумчиси Сергей Ни бу имкониятдан унумли фойдаланди. Жорий йилги мавсумда чи-ройли ўйин намойиш қилаёт-ган «Трактор» футболчилари «Гулистон» устидан қозонил-ган навбатдаги галаба (3:0) дан сўнг турнир жадалида биринчи ўринга чиқиб олиш-ди. Улар ўн икки имконият-дан 12 очко тўплаган. Ик-кинчи погонани эса шунча очко жамагаран Қаршининг «Насаф» жамоаси эгаллаб ту-рибди. IX миллий чемпионатимиз-да олтин медал учун ҳаракат қилаётган «Навбахор» чилар Бухорода қимматли уч очкони йўқотишди — 1:0. Қолган учрашуларда қуйи-даги натижалар қайд этилди: «Хоразм»—«Самарқанд» — 1:0, «Турон»—«Зарафшон» — 1:2, «Сурхон»—«Семурғ» — 3:2, «Анджон»—«Кимёгар» — 2:0. Озод БЕК, «Халқ сўзи» мухбири.



ДАВИС КУП, NEC
ЯНА ТЕННИС
БАЙРАМИ

Аввал хабар қилганимиз-дек, 7-9 апрел кунлари тен-нис бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Дэвис кубо-гининг навбатдаги босқичи-да Янги Зеландия катта ра-кетка усталари билан бел-лашдилар. «Юнусобод» спорт маж-муида бўлиб ўтадиган ушу беллашууда ҳамюртлари-мизнинг имкониятлари анча юқори. Уйлаймики, катта ракетка усталаримиз мух-лисларга навбатдаги теннис байрамни ҳада қилишди. Аллақачон Тошкентга кели-б тайёргарликни бошлаб юборган меҳмонлар тарки-бида эса қуйидаги спортчи-лар бор: Марк Нильссон (дунё теннис таснифида 200 ўринда туради), Марк Томп-сон (760), Алистер Хант (770), Жеймс Гринхайлт (800). Эслатиб ўтамиз, дастлаб-ки босқичда ўзбекистонлик теннисчилар хитойликларни 3:0 ҳисобида доғда қолдир-ган бўлса, Янги Зеландия-ликлар Ташкент катта ракет-ка усталарини 4:1 ҳисобида енгишган. «Соглом авлод йили» му-носабати билан Поп туман-ида бир қатор мусобақа-лар ўтказилиб келинган. Яқинда қасба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти соврини учун ту-ман спорт қўмитаси билан ҳамкорликда меҳнат жамоа-лари ўртасида футбол бўйи-ча биринчилик ўтказилди. Уз гуруҳларида бўлиб ўтган му-собақаларда туман ички иш-лар бўлими, 13-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Ўзбекистон ўрамли том ёпқич ашёлари ҳиссадорлик жамияти, Чодак кони футбол жамоа-лари голиб бўлишди. Финалда туман ички иш-лар бўлими ҳамда 13-боло-лар ва ўсмирлар спорт мак-таби жамоалари бир-бирла-рига рўбарў келдилар. Кас-кин курашлар остида ўтган баҳсда ички ишлар бўлими жамоасининг қўли баланд келди. Учинчи ўрин Ўзбеки-стон ўрамли том ёпқич ашё-лари ҳиссадорлик жамияти футболчиларига насиб этди. Бахтиёр ТУРДАЛИЕВ.

ПОПАДАГИ
БЕЛЛАШУВЛАР

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

Table with editorial and publication information. Includes names like MUASSISLAR, BOSh MUHARRIR, and a list of authors.

ТИНЕ'2000
2000 йил
11-14 апрел кунлари
"СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ - 2000"
бешинчи халқаро
тиббий кўргазмасига
таклиф этамиз.
Кўргазмада жаҳондаги
етакчи фирмаларнинг тиббий
ускуналари ҳамда фармацевтика
ва косметика маҳсулотлари
намоиши этилади.
Кўргазманинг иш соатлари:
11 апрел - 12.00-18.00
12 апрел - 10.00-18.00
13 апрел - 10.00-18.00
14 апрел - 10.00-16.00
Сизни кўргазмада кўришдан
гойт мамнун бўламиз!
Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳар, Амир Темуր кўчаси, 107,
"Ўзэкспомарказ", 1-чи павильон.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР
КЎРИК-ТАНЛОВИ
Республика мусика мактаб-интернати тарбияланувчилари орасида «Соғлом авлод йили»га бағишланган ёш ижрочилар кўрик танлови ўтказилди. Ушбу зиё масканида жонажон Ўзбекистони-мизнинг турли шаҳар ва вилоятларидан келиб тарбия олаётган ўғил болалар мусика сирла-рини ўрганадилар. Мазкур кўрик-танлов мактаб-интернатнинг маҳорати бўйича беллаш-дилар. Кўрик танлов дастури икки бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда қуйи синф ижрочилари, иккинчисида эса юқори синф ижрочи-лари ўзаро мусобақалаш-дилар. Катта концерт залида янграган жозибали оҳанглар садоси барчани сеҳрлаб қўйгандек эди. Ўқитувчилар, ўқувчилар учун жуда ҳаяжонли, томошабинлар учун мароқли, хайрат аъзола-ри учун эса ўта масъули-ятли дақиқалар ҳукм-рон бўлди. Хайрат раиси — Тошкент Давлат консерваторияси профессори, Ўзбеки-стонда хизмат кўрсат-ган санъат арбоби В. Пулатов ёш иштирок-чиларнинг маҳорати-дан руҳланиб уларнинг ижросини юқори баҳолаган ҳолда порлоқ истиқбол тилади. Мавлуда ШОКИРОВА.

ЭЪЛОН
2000 йил 13 мартда
«ОТЧОПАР БУЮМ БОЗОРИ»
ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИНИНГ
навбатдаги йиллик
умумий мажлиси бўлиб ўтди.
1999 йилнинг иккинчи
ярими дивидендлари битта
номли акцияга 1304 сўмни
ташкил этди.
Дивидендлар 2000 йил
апрел-май ойлари орасида
берила бошланади.
«Отчопар буюм бозори» ОАЖнинг бошқаруви.

САЛОМАТЛИК —
ТУМАН БОЙЛИК
Хайтий зарурат кишилари бу даргоҳга келишга мажбур этади. Андак ҳижолат ва умид билан, шикаста юрак билан ташриф буюрган кишиларга фақат ширин сўз, эътибор, меҳр керак. Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманидаги 3-тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК)да ногирон-лик гуруҳи белгиланади. Бе-морларнинг саломатлигини тиклаб, уларни ишга жойла-тишлари учун кўмаклашишни ўз бурчи деб билган шифо-кор кўп бу даргоҳда. ТМЭК ра-иси Дилбар Хожиева раҳ-барлигида ҳар бир бемор учун реабилитация дастури тузил-ган. Узок вақт хасталаниб юр-ган беморларни даволаш жа-равни ўрганилиб, уларнинг меҳнат шaroитини энгиллаш-тириш чоралари илзланади. Шуниси характерлики, баъ-зи ногиронларга Ижтимоий таъминот вазирлиги қошида-ги махсус билим юртида ҳисобчилик, сартарошлик, этикдўзлик, тикиш-бичиш ва компьютер саводхонлиги ўрга-тилиб, уларни имкони дара-жасидаги касбини эгаллаш-ларига ёрдам беришмоқда. СУРАТДА: (чапдан) ТМЭК раиси Д. Хожиева, олий тоифали жарроҳ Б. Абду-рахмонов ва биринчи тои-фали шифокор М. Иброҳи-мовлар беморга ташхис қўйиш хусусида фикрлаш-моқдалар. Даврон АҲМАД олган сурат.

| | | | | | |
|---|--|---|---|---|--|
| Ўзбекистон Республикаси Президентини де-вони жамоаси масъул ходим А. Махсумова рафиндиси | Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси иқтисод ва молия бошқар-масининг бошлиғи Фат-хулла Ҳасановга онаси | Ўзбекистон банклар Ассоциацияси жамоаси бош эксперт | Абу Райҳон Беруний номидаги Тош-кент давлат техника университети рек-торати ва қасба уюшмаси, «Ўзбеки-стон тарихи» кафедраси жамоаси Ўз-бекистонда хизмат кўрсатган фан ар-боби, тарих фанлари доктори профессор Мавлон НАЗАРОВнинг | «Ўқитувчи» нашриёти жамоаси нашриётнинг бош муҳаррири Абдуллу Ҳасановга онаси МУКАМБАР аянинг | «ОМОНАТ НИМОҲА» суғурта жамағраси жамоаси етакчи мухтаassisи Дав-лором Алиевага ўнаси Темур РАҲИМБОВнинг |
| Муҳаббат МАХСУМОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изҳор қилади. | Мукамбар ҲАСАНОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъ-зия изҳор қилади. | Бевақт вафот этганлигини чуқур қайгу билан маъмул қилиб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлиқ билдиради. | вафот этганлиги муносабати билан мар-ҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруларига чуқур таъзия билдиради. | вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади. | бевақт вафот этган-лиги муносабати бил-дан чуқур таъзия из-ҳор қилади. |

Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 0001
Буюртма Г — 286,
23728 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета PENTIUM-II —
компьютерда термалди
ҳамда операторлар
С. ЛУКИН
ва Ж. ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб —
А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир —
Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи —
О. РАҲАБОВ.
Муасхих —
Ш. МАШРАББОВЕВ.
• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.
Тахририятда ҳажми
5 қогоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.
«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
Корхона манзили:
Буҳона Турон
кўчаси, 41.
Босишга топшириш
вақти — 21.00
топириди — 21.55
1 2 3 4 5 6